

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

хуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнал



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
eLIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
2 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА
НОМЕР 2, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD
VOLUME 2, ISSUE 1



TOSHKENT-2022

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИШНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ 8

2. НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ МАЪМУРИЙ АКТ МИСОЛИДАГИ
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ 16

3. РАБИЕВ Шерзод Миржалилович, АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович

МАЪМУРИЙ МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “МАЪМУРИЙ
КЎМАКЛАШ”НИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ 22

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

4. ОКЮЛОВ Омонбой

“СНОСЛАР” ЖАРАЁНИДА ХАР БИР МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ 30

5. ГУЛЯМОВ Саид Саидахарович, БОЗАРОВ Сардор Соҳибжонович

ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ 36

6. ACHILOVA Liliya Ilxomovna

VIRTUAL TURIZMNI TASHKIL ETISHNING HUQUQIY JIHATLARI 43

7. МУРОТОВ Журабек Сафарович

ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА (ТОВАР, ХИЗМАТ) БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР . 50

8. ВОСТРИКОВА Виктория Сергеевна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна

ДОКТРИНА ФРУСТРАЦИИ НА ПРИМЕРЕ РЕШЕНИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА
СОЕДИНЕННОГО КОРОЛЕВСТВА 55

9. АБРОРОВА Камола Сайдмухторовна

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО КОММЕРЧЕСКОГО АРБИТРАЖА
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 63

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

10. МАДРАҲИМОВА Гулжаҳон Рузимбой қизи

ИИЛЛИК ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ
ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР
(РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА) 70

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

11. ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли

ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 79

12. ВОХИДОВ Махкам Мубинович

ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВОССТАНОВЛЕНИЯ
НАРУШЕННЫХ ПРАВ ЖЕРТВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЯ ВЛАСТЬЮ В
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 86

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

13. ИСПЛОМОВ Бунёд Очилович ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ И ИСКЛЮЧАЮЩИЕ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ КОДЕКСУ РЕСПУБЛИКИ БОЛГАРИЯ (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ)	92
14. БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ	99

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

15. АБДУЛЛАЕВ Рустам Каҳраманович ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ	107
16. ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ЎРНИ	114

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

17. РАХМАНОВ Шухрат Наимович ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МИГРАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	119
18. USMANOVA Surayyo YEVRONA ITTIFOQIDA TURIZM: OMMAVIY HUQUQIY JIHATLARI TAHLILI	126
19. ХАМДАМОВА Фируза ПРАВОВОЙ СТАТУС РОБОТОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ГУМАНИТАРНОМ ПРАВЕ	131
20. КАРИМОВ Оятилло Халимович ПОНЯТИЙНЫЙ АНАЛИЗ ЭКСТРАДИЦИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ И НАЦИОНАЛЬНОМ ПРАВЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ	135
21. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНО-КОММУНИКАЦИОННЫХ СВЯЗЕЙ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЕВРОПЫ	141
22. ОЧИЛОВ Шермат Рашидович ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ	149
23. САЛИЕВА Шахсанем Уснатдиновна ФОРМИРОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ	154
24. МИРЗАМУРОДОВ Шоҳруҳ Олимович МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ ЗАКРЕПЛЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНО И ЮЖНОАЗИЙСКОМ МАКРОРЕГИОНЕ В РАМКАХ ШОС	161

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

25. NAITO Shintaro OVERVIEW OF DRAFTING LEGISLATIVE BILLS IN JAPAN–FOCUSING ON AVOIDING INCONSISTENCY IN LAWS	169
26. ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА	184
27. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиёрович ОСНОВНЫЕ НОВЕЛЛЫ ИНВЕСТИЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА	190

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

E-mail: salimov.22@inbox.ru

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): Бойдедаев С.А. Коррупцияга қарши курашишнинг ижтимоий зарурати // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2022) Б. 99-106.



2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-2-14>

АННОТАЦИЯ

Мақола жамиятда коррупцияга қарши курашиш заруратининг айрим ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатларига бағишлиланган. Мақолада коррупциянинг бугунги кунда урф бўлган айрим шакллари ва турлари, шунингдек, коррупциянинг сабаблари ва ижтимоий оқибатлари тавсифланган. Шу билан бирга, муаллиф томонидан коррупция давлатнинг нуфузига, иқтисодий тараққиётига ва келажагига таъсир қилувчи ва ҳаттоқи, уни белгилаб берувчи салбий ижтимоий ҳодиса эканлиги қайд этилган. Мамлакатимизда коррупцияга муносиб баҳо бериш ва самарали профилактика чора-тадбирларини шакллантириш, аниқлаш ва унга қарши курашиш учун тизимли чоралар кўришдан ташқари, жамиятнинг онгига, айниқса ёшларда коррупциявий дунёқарашни таг-туғи билан йўқотиш мамлакатимиз учун ҳаётий зарурат эканлиги кўрсатиб берилган ва бу борада тегишли илмий хуносалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: коррупция, коррупциявий фаолият, рейтинг, пора, коррупцияга қарши курашиш, менталитет, ёшлар, коррупцияга қарши чоралар.

БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович

Независимый соискатель

Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: salimov.22@inbox.ru

СОЦИАЛЬНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена рассмотрению некоторых правовых и социальных аспектов необходимости борьбы с коррупцией в обществе. Раскрыты некоторые традиционные на сегодняшний день формы и виды коррупции, причины и социальные последствия коррупции. При этом автор отмечает, что коррупция является негативным социальным явлением, влияющим на престиж, экономическое развитие и даже определяющим будущее государства. Указывается, что помимо системных мер по формированию, выявлению и борьбе с коррупцией в нашей стране, устранение коррупционного менталитета в сознании общества, особенно среди молодежи, является жизненной потребностью для нашей страны,

в связи с чем представлены соответствующие выводы и рекомендации.

Ключевые слова: коррупция, коррупционная деятельность, рейтинг, взяточничество, противодействие коррупции, менталитет, молодежь, антикоррупционные меры.

BOYDEDAEV Sadirdin

Independent researcher of Tashkent State University of Law

E-mail: salimov.22@inbox.ru

THE SOCIAL NEED TO FIGHT CORRUPTION

ANNOTATION

The article is devoted to the consideration of some legal and social aspects of the need to combat corruption in society. Some of today's traditional forms and types of corruption, the causes and social consequences of corruption are revealed. At the same time, the author notes that corruption is a negative social phenomenon that affects prestige, economic development, and even determines the future of the state. It is indicated that in addition to systemic measures to form, identify and combat corruption in our country, the elimination of the corruption mentality in the minds of society, especially among young people, is a vital need for our country, the relevant conclusions and recommendations are presented.

Keywords: corruption, corrupt activities, rating, bribery, anti-corruption, mentality, youth, anti-corruption measures.

Коррупциянинг жамият учун энг юқори даражадаги таҳдид эканлиги бугунги кунда шак-шубҳага ўрин қолдирмаяти. Биринчидан, ҳозирда коррупция амалда ҳокимият ваколатларини амалга оширишда, хусусан, ижтимоий неъматларни тақсимлашда, қарийб тўлақонли “ўйин қоида”сига айланди. Иккинчидан, жамиятда коррупциявий ҳолатларнинг барқарор ўсиши қонунчиликдаги репрессив тусдаги чоралар ҳам, ижтимоий назорат ва олдини олишни кўзлаган бошқа шакллар ҳам паст самарадорликка эга эканлигидан дарак бермоқда. Учинчидан, коррупция ҳодисасининг турфа хил шаклларда намоён бўлиши, унинг динамик ривожланаётган ва ўзгарувчан ижтимоий ҳодиса эканлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” номли биринчи бўлимидаги 10-мақсадни белгилашда Давлат хизматида **коррупция омилларини бартараф этиш**, кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифаси қўйилган.

Бундан ташқари, “Миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш” номли олтинчи бўлимнинг 84-мақсади:

коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлашга;

коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини оширишга;

жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш каби учта асосий вазифани белгилашга бағишлиланган [1].

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш чораларини янада такомиллаштириш, уларни мунтазам равишда янгилаш ва қайта ишлаш борасида ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ–6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тузилди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари ташкил этилди [2].

Бундан ташқари, нисбатан жуда қисқа вақт ичida коррупцияга қарши курашиш,

турли соҳаларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва коррупциядан ҳоли, “ҳалоллик” вакцинасини жорий этиш, бундай хулқ-атворга муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган ўндан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишни тақозо этмоқда. Ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этиш зарурати туғилмоқда.

Дунё рейтингида пастки ўрин – коррупциянинг мамлакат имиджига салбий таъсири

Маълумки, мамлакатда коррупция даражасини аниқлаш турли нуфузли жаҳон молия ташкилотлари (Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва бошқалар) учун ўзига хос восита бўлиб, унинг ёрдамида давлат ҳокимиятида шаффоффлик, қонун устуворлиги, бозор иқтисодиёти, фуқаролик жамияти ривожланиши, суд мустақиллиги ва бошқа муҳим масалалар қай даражада таъминланганлиги аниқланади. Айни шу зарурат бугун коррупцияни қандай ўлчаш ва кузатиб боришга доир янгидан янги тузилмалар ва ташкилотларни келтириб чиқармоқда.

Айни дамда, коррупцияни амалда ўлчашда ҳам катта қийинчиликлар мавжуд. Булар, энг аввало коррупция тушунчасига оид ягона ва аниқ бир таъриф йўқлигидир. Гарчи халқаро ташкилотлар унинг умумий таърифини яратишга ҳаракат қилишаётган бўлса-да, турли мамлакатлар қонунчилигига коррупцияга оид хатти-ҳаракатлар бир-биридан анча фарқ қиласди. Мисол учун, ҳозирги вақтда “коррупция” атамасининг бир қанча таърифлари мавжуд бўлиб, миллий тадқиқотларда коррупциянинг учта таркибий элементига ургу берилади: пора олиш, пора бериш ва воситачилик [3, 4].

Бундан ташқари, коррупцияни бевосита юзага келтирувчи айрим омилларнинг тарқалиши нуқтаи назаридан, универсал (барча мамлакатларда амал қилувчи) ва локал (алоҳида мамлакатларда амал қилувчи) омиллар мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш зарур [5].

Коррупция миқёсини ўлчашда дуч келиш мумкин бўлган кейинги мураккаблик – бу коррупцияни ўлчашда қандай мезонларга таяниш ва айнан нималарни ўлчаш аниқ ва якуний келишиб олинмаганлиги. Чунки, ҳатто коррупция ҳолатлари сонига кўра олинган аниқ ўлчов-натижалар ҳам амалда мамлакатда (соҳада, тармоқда) мавжуд манзарани кўрсатишда бефойда бўлиши мумкин. Статистик маълумотлар (коррупция билан боғлиқ жиноятларга алоқадор айбдорлар сони ва бошқалар) аниқ бўлиши мумкин, аммо коррупция латентлиги юқори бўлиши, аксарият ҳолатлар аниқланмасдан ва жазосиз қолиб кетиши мумкин.

Қолаверса, барча коррупциявий ҳолатлар ҳам миқёси ҳамда ижтимоий хавфлилик даражасига кўра бир хил эмас. Зоро, кичик коррупциявий ҳолат (майдада порахўрлик)нинг давлат тендерларидаги йирик ҳажмдаги мансабдорлик жиноятлардан фарқи бор. Ваҳоланки, бундай фарқлар жиноятлар статистикасидан ўрин олмайди.

Сўнги йилларда коррупция даражасини ўлчашга қаратилган индекслар сони ортиб бормоқда. Кўп мурожаат қилинаётган мазкур индекслар Transparency International (Халқаро шаффоффлик) ташкилотининг коррупция индекси, Жаҳон банкининг глобал бошқарув кўрсаткичлари, янги турдаги ўлчаш ва баҳолаш воситалари саналмиш Халқаро шаффоффлик ташкилоти барометри (GCB) ва Global Integrity ташкилотининг глобал яхлитлик индексидир [6]. Шунингдек, PricewaterhouseCoopers шаффоффлик индекси ҳам ўзига хос нуфузга эга.

Бугунги кунда, Transparency International томонидан 1995 йилдан бери коррупцияни ўлчаш учун CPI (Corruption Perception Index)дан фойдаланилади. CPI ёрдамида коррупциянинг миқдорий ўлчови ўтказилади ва унинг мамлакатлар ўртасидаги тақсимоти кўриб чиқилади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида Transparency International халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган “Коррупцияни қабул қилиш индекси”да мамлакатимиз 180 та давлат орасида 2019 йилда 153-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йилда 146-ўринни эгаллаб, 7 поғонага кўтарилди [7].

Таққослаш учун, 2020 йилда қўшни мамлакатлар – Қозогистон 94, Қирғизистон 124,

Тожикистон 149, Туркманистан ва Афғонистон эса 165-ўринлардан жой олган.

Айтиш жоизки, коррупция билан боғлиқ асосан икки хил қарааш кенг тарқалган: айрим инсонлар коррупцияни филдиракнинг мойи деб билишади ва улар коррупцияни қийинроқ кечадиган жараённи тезлаштириш ва осонлаштириш воситаси сифатида қабул қилишади. Баъзилар эса коррупцияни филдиракка илашиб қолган лой деб билишади. Лой ҳажми ортгани сари, табиийки, филдиракнинг айланиши ҳам қийинлашади [6].

Фикримизча, бугунги кунда коррупцияга нисбатан юқорида келтириб ўтилган биринчи (ижобий) қарааш кенг тарқалганлиги сабабли, иқтисодиётнинг тури секторлари, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилишда муаммолар юзага келмоқда. Ваҳоланки, замонавий рақобатли дунёда айнан инвестициялар иқтисодиётни модернизация қилиш ва аҳоли турмуш шароитларини яхшилашнинг муҳим омилидир. Коррупцияга қарши курашда давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш зарур, чунки коррупция даражаси мамлакат тараққиёти, давлатчилик ва жамият ривожланишининг умумий даражасини белгилаб беради [20].

Жамият онгидаги коррупцияга муросасизлик – асосий индикатор

Амалиёт шуни кўрсатадики, замонавий коррупция – бу жамиятни ютиб юбораётган улкан “саккизоёқ” бўлиб, у ўзига хос параллел ижтимоий воқеилини яратган, бу жамиятда эзгулик, адолат, инсон ҳуқуqlари тенглиги тамойиллари ўрнига очкўзлик, иккюзламачилик, фойда ортидан қувиш, сиёсатчилар ва турли амалдорларнинг ўзбошимчалиги урф бўлади. Қолаверса, коррупция – бу ижтимоий пандемия, унинг олдида қайси давлат – ривожланганми ёки эндиғина ривожланиб келаётганми, муҳим эмас. Жумладан, 2014 йил феврал ойида эълон қилинган Европа Иттифоқида коррупцияга қарши кураш ҳолати тўғрисидаги Европа Комиссиясининг биринчи ҳисоботида, коррупция (ўша вақтда) ҳеч бир истисносиз Европа Иттифоқининг барча 28 давлатида мавжуд эканлиги таъкидланган [8].

Яқинда Ўзбекистонда ҳам шу мазмунда ўтказилган ижтимоий сўров натижалари эълон қилинди. Жумладан, 2020 йили «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида жамоатчилик фикри» мавзусида телефон сўрови ўтказилди. Қатнашчиларнинг асосий қисми, яъни 82,4 фоизи Ўзбекистонда коррупция, тамагирлик ва порахўрлик ўзлари учун ўткир муаммо ҳисобланишини айтган. Шунингдек, 36,2 фоиз респондентлар жамиятдаги коррупция, тамагирлик ва порахўрлик ҳамма жойда, 37,2 фоизи эса айрим соҳаларда тарқалганини таъкидлаган [9].

Ажабланарлиси, ижтимоий сўровда қатнашганларнинг барчаси ҳам коррупцияни мавжуд деб туриб, ўз ҳаётида коррупция, тамагирлик, порахўрлик билан боғлиқ вазиятга дуч келгани ҳақидаги саволга қатнашчиларнинг атиги 20 фоизи шахсан дуч келганини айтган, 79,6 фоизи эса буни рад этган [10].

Коррупциянинг умумбашарий сабабларидан яна бири – бу жамиятдаги менталитет бўлиб, у илгаридан коррупцияни идрок этиш моделини (бағрикенг / муросасиз) ва жамият турини тақозо этади – анъанавий жамият ёки фуқаролик жамияти.

Фарбий Европа маданиятида коррупция ноқонуний хизматларни ўтказишга асосланган мансабдорнинг “ўзини сотиши” ҳисобланади. Фарб жамияти бундай ҳаракатларга ўта салбий муносабат билдиради. Европалик сиёсатчи ёки амалдор учун коррупцияга алоқадорликда гумон қилишнинг ўзи ҳам амалда хизматдаги умри адо бўлганини англатади. Жамият айрим иллат ва заифликларга тоқат қиласи, аммо коррупцияга эмас. Франция ва Англияда аниқланган коррупция факлари барчадаражадаги амалдорларнинг ўтмишдаги хизматларига қарамай, дарҳол истеъфога чиқишига сабаб бўлишига кўплаб мисоллар мавжуд.

Фарб жамиятининг коррупцияга салбий муносабатда бўлишининг сабаби “бозор менталитети” бўлиб, унда биртомондан, ҳар ким ўзгаларга рақобатчи бўлса, иккинч томондан эса – ҳар ким ҳамма учун шароитлар тенглиги ақидасига қатъий амал қилишга мажбур. Шароитлар тенглиги тамойилини бузиш энг оғир гуноҳлардан бири ҳисобланади. Қолаверса, Фарб жамиятида бозор муносабатлари бузилишига нисбатан муросасиз менталитет узоқ вақтлардан бери ва жуда қатъий тарзда шаклланган. Қайд этиш жоизки, Фарб жамиятида бозор менталитетини тарбиялаш воситалари ва усувлари инсонпарварликдан йироқ эди.

Жумладан, ўрта асрлардаги Чехия қонунчилигида пиво ишлаб чиқарувчиларга ҳафтасига ўн иккита бочка пиво тайёрлашга рухсат берилган. Ушбу чеклов адолатли рақобатни таъминлар эди. Истеъмолчи ким мазали пиво тайёрлаганини ўзи аниқлар эди. Агар пиво ишлаб чиқарувчилардан бири ўн учинчи бочкада пивони пиширган бўлса, бошқа пиво ишлаб чиқарувчилар уни шу бочканинг ўзида чўқтиришган [11, С.15]. Бундай анъаналарнинг юзлаб йиллар давомида амал қилиши натижасида қонунга бўйсунувчи Farb шахсияти шаклланган.

Шубоисдан ҳам Farb жамиятитаълим тизимида талабаларнинг ўз курсдошларидан бири фириб қўллаганлигини профессор-ўқитувчиларга айтиб бериши одатий ҳол ҳисобланади. Сабаби, бу курсдош барча учун имконият тенглиги “бозор” тамойилини бузмоқда. Фириб ва ҳийлагарлик ҳақида хабар берганлар курсдошларининг соғлом рақобатни бузувчи хатти-ҳаракатларига нисбатан муросасизликни намойиш этади.

Шу сабабдан ҳам, коррупционерни ҳар ким ўзининг шахсий душмани деб биладиган Farb жамиятидаги муҳитда коррупция улкан миқёсда эмас. Олий мансабдор шахслар даражасидаги коррупция кўпинча яширин бўлади, масалан, солик имтиёzlари эвазига банк директорлар кенгашига кириш, мемуарлар учун миллион долларлик гонорар ва хок.

Шарқда коррупция тушунчасига нисбатан қарашлар Farbdагидан анча, қарийб диаметрал равища қарама-қарши. Шарқ давлатлари маданиятида коррупция анъанавий жамиятга узвий сингиб кетган ва ўзининг норматив тартибга солиниши билан ажralиб туради. Анъанавий жамиятда коррупция ижтимоий норма ҳисобланади. Аммо, у ўзининг амалий шакл ва кўринишиларида чекланган. Ким ва қанча “олиши кераклиги” урф-одатлар билан белгиланади, шунинг учун “даражасидан кўпроқ олиш”га уриниш атрофдагиларнинг кескин танқидига учрайди [12].

Анъанавий жамиятда коррупциянинг негизи – бу уруғ-аймоқ (кланлар) муносабатлари. Бундай клан негизидаги жамиятда “ўзига тегишли” амалдорнинг порахўр хатти-ҳаракатлари оқланади: “У ўзи учун эмас, балки катта оиласи, кекса ота-онаси, аёли ва болаларини қўллаб-қувватлайди”. Қолаверса, коррупцияни ижтимоий норма сифатида қабул қилиш ҳаттоқи репрессиядан ҳам кучлироқ бўлиб чиқади. Масалан, XXРда порахўрликнинг олдини олиш мақсадида порахўр амалдорларни нафақат қатл қилишади, балки мумиёлаб, ўрнига келган янги амалдорларни тарбиялаш учун хизмат хоналарига ўрнатиб қўйишади [13, С.54-62]. Бироқ, бу Хитой амалдорларини коррупциявий қилмишларни содир этишдан тўхтата олмаётганлиги – рад этиб бўлmas факт.

Юқоридаги фикрларга қарамай, жамият ривожига хавф солувчи коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш ер юзидаги барча давлатларда ҳамиша ва ҳамма замонда давом этган. Чиндан ҳам, жамиятда устувор соҳа – таълим тизимида таҳсил оладиган ўсмирлар, ёшлар онгида муросасизлик ҳиссини уйғотиш муаммосини ҳал этиш лозим. «Жамиятда порахўрлик иллатини енгиб бўлмайди», – деган фикр ёшлар онгида шаклланиб қолгани – бу энг катта камчилигимизdir [14].

Ёшлар онгида нотўғри қарашлар, ишончсизлик – коррупциянинг ғоятда хавфли оқибати

Маълумотларга кўра, Европанинг ўзида коррупциявий жиноятлардан кўрилган умумий иқтисодий зарар йилига 120 миллиард европа тенг [8].

Мамлакатимизда эса, 2018 йилда мансабдор шахсларнинг жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 556 млрд, 2019 йилда 1,858 трлн, 2020 йилда 500,1 млрд, 2021 йилнинг 9 ойида 658 млрд сўм моддий зарар етказилган [15]. Шубҳасиз, бу статистика коррупция ҳолати ҳақида тахминий фаразлар қилишга имкон беради, холос. Боиси, бу рақамлар фақатгина фош этилган жиноятларга тегишли.

Мансабдорлик жиноятлари борасидаги бундай салбий натижалар, назаримизда, кўп жихатдан сўнгги йиллар ичida давлат аппарати ва давлат муассасалари ходимлари ишидаги жиддий камчиликлар ва лоқайдлик, билимсизлик ва тор идоравий манфаатларни ҳимоялаш каби муаммолар билан ҳам изоҳланиши мумкин. Жумладан, Давлатимиз раҳбари ҳам 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақида қўйидагиларни қайд этиб ўтган эди: “...давлат бошқаруви идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш талаб қилинади,

... вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш ҳаддан ташқари марказлашган, вазифалари аниқ ва түлиқ белгиланмагани сабабли фаолиятларида бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжуд.

Күпчилик вазир ўринбосарлари, ўрта бўғин раҳбарлари масалани ҳал қилиш учун ташаббус кўрсата олмайди. Бунинг сабаби нимада? Уларнинг ё билими, малакаси йўқ, ё қатъияти етмайди, ёки коррупцияга берилган.... ходимлар сонини ва иш жараёнларини оптималлаштириш чоралари кўрилмаяпти” [16].

Россия Федерацияси Фанлар академияси аъзоси Р.С. Гринберг қайд этганидек, “ҳаётимизни бюрократлаштириш ва бюрократик зулм юз бермоқда. Ачинарлиси, ёшлар муваффақиятга эришмоқчи бўлиш учун, энг яхшиси – бу давлат ишига кириш, амалдор бўлиш шарт, деган ақидага эга. Бу даҳшатли, аммо афсуски, чин маънодаги ҳақиқатдир” [17].

Бундай шароитда бюрократия ва амалдорлар давлат ва хўжалик юритувчи субъектларда аста-секин ҳукмрон синфга ва ҳокимиятнинг ижтимоий таянчига, “бошқариладиган демократия” концепциясини амалга ошириш воситасига айланиб боради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, коррупциявий хулқ-атворга мойиллигини белгилайдиган муҳим омиллар сифатида шахснинг ижтимоий-демографик хусусиятлари ва иқтисодий аҳволи ҳисобланади [18], [19, Б.189-201].

Бугунги кунда аксарият фуқаролар давлат хизматига киришни исташади, олийгоҳлар битирувчилари турли йўллар билан давлат аппаратига киришга интилишади, бу эса давлат механизми эҳтиёжларидан ортиқ бўлиб, натижада ходимлар ҳаддан ташқари кўпайишига ва бошқарувнинг сифати ёмонлашишига олиб келади. Афсуски, катта ҳаёт бўсағасида турган ёш мутахассислар ишни асосан давлат аппаратида, давлат муассасаларида ёки давлат корпорацияларида, ҳокиммиларда, шунингдек прокуратура, божхона, солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи бошқа органларда ишлашни исташади.

Дарҳақиқат, давлат хизматига киришда номзодлар онгода, кўпинча, давлатга фойда бериш эмас, оддийгина инсоний ва эгоистик истаклар устунлик қиласди: юқори иш ҳақи, ижтимоий кафолатлар, нуфуз, барқарорлик, яхшигина пенсия, шаҳарда қолиб ишлаш, энг асосийси эса, айрим нопок йўллар билан тезда бойлик орттириш истаги. Халқ хўжалигига фойда келтириш, олис ҳудудларни ривожлантириш, соҳа ва тармоқларда ўзини кўрсатиш, мұқаддас Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш каби олий мақсадлар қўйилмайди.

Афсуски, жамиятда шахснинг ижтимоийлашуви, оилада бойлик орттиришга урғу берадиган тарбиянинг қайгули оқибатлари шундай бўлмоқда.

Шундайқилиб, узоқ тарих давомидажамиятимизменталитетигахосбўлганкоррупциявий хулқ-атвор унсурлари замонавий либерал иқтисодиёт ва фуқаролик жамиятида давлат ва ижтимоий тараққиётга жиддий хавф туғдирмоқда. Коррупция ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига кириб, давлат ва жамият, айниқса ёш авлод онгода хавфли ақидалар, қарашлар сингишига сабабчи бўлиши мумкин.

Бунинг оқибатида ижтимоий гуруҳлар, жамият институтлари ўртасида зиддиятлар пайдо бўлиб, коррупция ҳодисалари ортиши, нопок бойлик орттириш, иқтисодий ҳалол рақобат йўқقا чиқиши, жамиятда адолатсизлик, қонун ва ҳуқуқ институтларига ишончсизлик, нопок орттирилган бойлик ортидан ахлоқсизлик ва маънавий бузуқлик юзага келади. Асосийси, жамиятда кескин қарама-қаршилик кайфиятлари урчиб, охир-оқибат жиддий ижтимоий портлашлар ва фохиалар содир бўлиши эҳтимоли ошиб кетади. Бу ўз навбатида, давлат имиджига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар самараదорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса ўрнида қўйидаги фикрларимизни илгари суришни лозим деб топдик:

1. Аввало, коррупцияга қарши курашишнинг ижтимоий зарурати барча давлатларда ва жамиятларда, халқаро ва миллий миқёсда эътироф этилган ва бу борада Ўзбекистонда аллақачон тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар шакллантирилган.

2. Давлатнинг коррупция ривожланиш даражасини ўлчайдиган халқаро рейтинглардаги ўрни паст бўлиши унинг инвестициявий имкониятлари ва жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

3. Коррупцияга қарши курашишдажамиятимизда унгани нисбатан муросасизменталитетни

шакллантириш – мазкур салбий ҳодисага қарши курашишнинг ягона йўлидир. Сабаби, фақат репрессив ва қатъий чораларни қўллаш орқали жамиятда урф бўлган коррупциявий муносабатларнинг илдизини суғуриш имконсиз (Хитой тажрибаси буни кўрсатмоқда).

4. Ёшлар онгода коррупцияни оддий ҳол сифатида қабул қилиш ва ҳаттоқи давлат тизимида йўлга қўйилган, урф бўлган механизм деб қараш мавжуд. Буни бир йил, уч ва ҳаттоқи, ўн йил ичida ҳам жиддий ўзгартириш мураккаб. Ёшлар онгини тизимли равишда, мунтазам, босқичма-босқич, ҳам норматив, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маданий, ҳам маънавий-руҳий йўналишларда ўзгартириб бориш зарур;

5. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда фуқаролик жамиятини кучайтириш шарт ва зарур. Жамоатчилик назоратини ошириш, сўз эркинлиги, ОАВ мустақиллиги, суд ҳокимияти мустақиллиги ва фаоллигини ошириш мамлакатда коррупция даражасининг пасайишига ва ижобий имидж шаклланишига ёрдам беради.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 06/20/6013/1002-сон

3. С.Уралов. Коррупциявий элемент сифатида яширин иқтисодиётнинг криминологик жиҳатлари.Монография // Масъул муҳаррир: Д.Базарова, ю.ф.н., профессор в.б. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – 92 бет.

4. Шамсутдинов Б.С. Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик. Монография // Масъул муҳаррир: Д.Б.Базарова, ю.ф.н., профессор в.б. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – 120 бет.

5. Қ.Абдурасулова. Коррупция жиноятчилигини умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // Available at: <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2>

6. Отабек Тиллаев. Гилдиракдаги мой ва лой: коррупция даражасини қандай ўлчаш мумкин? //<https://kun.uz/news/2021/09/18/gildirakdagi-moy-va-loy-korrupsiya-darajasini-qanday-olchash-mumkin>

7. <https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/uzb>

8. URL: <http://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/934510>

9. <https://kun.uz/news/2021/12/29/korrupsiyaga-qarshi-kurashish-yuzasidan-jamo-atchilik-fikri-natijalari-elon-qilindi>

10. <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/04/19/korruptsiya-holati-va-omillari-tog-risida-zhamoatchilik-fikri-organildi-2-qism>

11. Государственная антикоррупционная политика. Учебник – 2017 г. — Инфра-М. – С.15.

12. Демьянов Е.Л. Социологический аспект изучения феномена коррупции. <https://rusmirzp.wordpress.com>

13. Ванновская О.В. Обоснование концепции коррупционного поведения госслужащих // Вестн. Моск. гос. обл. ун-та. Серия 12. Психология. Социология. Педагогика. 2009. № 3. С. 54-62.

14. М.Даминов. Коррупция – тамагирликнинг юқори нуқтаси // <https://uza.uz/posts/korrupciya-tamagirlilikning-yuqori-nuqtasi>

15. <https://kun.uz/news/2021/12/06/9-oyda-mansabdorlarning-jinoyati-oqibatida-davlat-va-jamiyat-manfaatiga-658-mlrd-som-moddiy-zarar-yetkazilgan>.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

17. <https://profile.ru/article/putin-i-ego-armiya-za-poslednie-12-let-chislo-chinovnikov-v-rossii-vyroslo-do-6-mln-chelovek>

18. Б.Шамсутдинов. Коррупцияйий жиноятларга оид амалдаги қонунчиллик муаммолари ва уларни бартараф этиш истиқболлари // <https://www.researchgate.net/publication/345435827>.
19. Г.Нурмухамедова. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикаси механизмларини такомиллаштириш: усуллари ва йўналишлари // // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2021), Б. 189-201
20. Rakhmanov S. Законодательные меры Республики Узбекистан в целях противодействия коррупции: обзор, классификации и условия эффективности //Journal of Law Research/ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2019. – Т. 6. – №. 1. – С. 52-63. URL:<https://lup.lub.lu.se/record/e2122cad-624f-49c7-9a09-3ec9a448381c> // <https://journals.uz/huquqiy-tadqiqotlar-jurnali-2019-6/>